



## **XALQ DEPUTATLAR JIZZAX VILOYATI KENGASHINING QARORI**

2022 - yil 20 - may

VI-35-151-3-0-K/22

Jizzax viloyati hokimligi

### **Чернобыль атом станцияси портлаши оқибатларини бартараф этишда вилоятимиздан иштирок этган фуқароларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида**

Чернобыль атом станцияси портлаши оқибатларини бартараф этишда иштирок этиб, ҳалок бўлганларнинг оилаларини ва бугунги кунда яшаб келаётган фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6-ва Бюджет кодексининг 126-моддасига асосан Халқ депутатлари вилоят Кенгаши

### **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Вилоят Молия бош бошқармаси (А.Рахматуллаев)га вилоят маҳаллий бюджетининг эркин қолдиқ ва даромадлар режасининг ошириб бажарилган қисми маблағлари ҳисобидан Чернобыль атом станцияси портлаши оқибатларини бартараф этишда иштирок этиб, ҳалок бўлганларнинг оилаларини ва бугунги кунда яшаб келаётган фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этиладиган ҳайрия тадбирлари харажатлари учун 30,0 (ўттиз) миллион сўм маблағни вилоят ҳокимлигига ажратиш вазифаси топширилсин.

2. Вилоят ҳокимлиги Ишлар бошқарувчиси (А.Абдувахобов)га ажратилган маблағларни Чернобыль уюшмаси Жиззах вилояти бўлимининг ҳисоб рақамига ўтказиб бериш вазифаси топширилсин.

3. Чернобыль уюшмаси Жиззах вилояти бўлимига ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланиш вазифаси топширилсин.

4. Вилоят Ғазначилик бошқармаси (З.Маллаев)га харидларнинг Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни талабларига риоя қилган ҳолда амалга оширилиши устидан қатъий назорат ўрнатсин.

5. Давлат молиявий назорати вилоят бошқармаси (И.Собиров) ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланилиши устидан назорат ўрнатсин.

6. Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт ва ижтимоий ҳимоя масалалари бўйича доимий комиссияси ҳамда вилоят ҳокимининг ўринбосари Л.Ахмаджонов ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланишни назорат қилишга масъул эканлиги белгилаб қўйилсин.

7. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш, Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси ҳамда вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Мустанов зиммасига юклансин.

**Вилоят ҳокими**



**Э.Салиев**